

# **ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**Абдурахмонова Малоҳат**

*A.Кодирий ЖДПИ, Технологик таълим йўналиши талабаси*

*Жиззах ш., Ўзбекистон*

*e-mail:abdurahmonova\_m2021@gmail.com*

*Илмий раҳбар: Оришев Ж.Б.*

**Аннотация:** Уишу ишида ўқувчиларни меҳнатга ва хаётга касбий муносабатларни самарали шакллантириши ва шаҳс муаммолари, оиласаги ахвол, ўқитувчининг маҳорати, атроф-муҳит омиллар, ўқувчининг билим олишига тайёрлиги каби омилларга қаратилган.

**Калим сўзлар:** Таълим жараёни, самарали таълим тарбия, психологияк хусусиятлари, ўқувчилар, ўқитувчининг маҳорати, қобилият, касбий фаолият, технологик таълим, замонавий ёндашувлар.

\*\*\*

**Аннотация:** В данной работе эффективно формируется эффективное отношение учащихся к работе и жизни, а проблемы личности сосредоточены на таких факторах, как семейное положение, навыки учителя, факторы окружающей среды, готовность учащихся к обучению.

**Ключевые слова:** образовательный процесс, эффективное обучение, психологические характеристики, умения студентов, учителя, умения, творческая деятельность, технологическое образование, современные подходы.

\*\*\*

**Annotation:** This work focuses on the effective formation of students' creative attitudes to work and life and factors such as personality problems, family situation, teacher skills, environmental factors, student readiness for learning.

**Keywords:** educational process, effective training, psychological characteristics, students' abilities, teachers abilities, creative activity, technological education, modern approaches.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш экан бу албатта таълим тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шаҳс - фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

Бугунги кунда таълим жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш учун уни ўқувчи шахсига йўналтириш орқали амалга оширилиши лозимлиги педагогика илми ва амалиётида ўз исботини топмоқда. Бунда ўқувчининг ўрганиши, ўз билим салоҳиятини намоён етиши учун муҳит ва шароит яратиш талаб этилади. Умумий ўрта таълим мактабларида ёш авлодни хаётга тараққиёт талаби асосида тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, ўқувчиларни ўқиш ўрганишига иштиёқ оширишга услубий жиҳатдан самарали ташкил қилинган ўқув жараёни, ўқувчиларни максимал ўзлаштиришга қаратилган амалий машғулотлар савиясини оширишга ва ўзлаштиришини назорат ишларини олиб боришга ва бошқа самарали таълим тарбия жараёнлари бўйича фаолият юритиш маҳорати ўқитувчиларга

боғлиқ бўлади. Бундан кўринадики, ўқувчиларни меҳнатга ва ҳаётга тайёрлашда барча таълим-тарбия ишларини имкон қадар касбий руҳда олиб бориш керак бўлади. Шундагина, ўқувчиларни меҳнатга ва ҳаётга касбий муносабатларини самарали шакллантиришимиз мумкин бўлади. Ўқувчиларни, меҳнатга ва ҳаётга касбий муносабатларни самарали шакллантириш, уларни касбий фаолиятга йўналтириш орқали амалга оширилади. Шу боисдан ўқувчиларни ижодга, касбий фаолиятга таъсир қилувчи омилларни кўриб ўтамиш.

Хозирда таълим бериш тамойиллари маълум, лекин қонунларини маълум емас. Шу сабабли таълим бериш ҳамда ўқиб, ўзлаштириш қонунларини аниқлаш йўналишида, аввало, инсонни, унинг психологик, физиологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш керак бўлади. Бу соҳадаги айрим натижалари ҳар хил машғулот турларининг имкониятлари ҳар хил. Масалан, янги ахборотни ўқувчиларга қандай шаклларда етказилишига боғлиқ равишда бир йил давомидаги вақт оралиғида шу ахборотнинг эсда сақланадиган қисми ҳар хил фоизларни ташкил қиласди: Тахминан ахборотни (ўқув материалини) етказишида тушунтириш, хикоя, сухбат орқали 3 соатда 70%, 3 кунда 10%, 1 йилда 8%; тушунтириш ва кўрсатиш орқали 3 соатда 72%, 20 кунда 10%, 1 йилда 10%; кўрсатиш, намойиш орқали 3 соатда 85%, 65 кунда 10%, 3 йилда 10%; хикоя, кўрсатиш, амалиёт орқали 3 соатда 98%, 3 кунда 95%, 3 йилда 15% бўлади. Ўқувчилар шахсини шакллантириш, аклий ва жисмоний камол топтиришда уларнинг қобилияят, хотира, мулоқотга киришиш қобилияти, воқеаларни таҳлил қила олиш, эшитиш ва ҳис қилиш, кинестетик (тери-мускул) қобилияти, мантиқий қобилияят, ўқувчини ички қобилияят каби хислатлари мухим рол ўйнайди. Шу ўринда улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш.

*Қобилият* – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишнинг муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисига айтилади.

*Мулоқотга кириша олиши қобилияти* - дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда ижобий иқлим муҳитига интилиши.

*Воқеаларни таҳлил қила олиши қобилияти* – ўқувчилар ўзларининг руҳиятини, ички дунёсини намоён қилиши ва ўзини нимага қодир эканлигини башорат қила олиши.

*Эшитиш ва ҳис қилиши қобилияти* – бундай қобилияятга эга бўлган инсонлар мусиқани севишиади, оҳангни яхши ҳис қилишиади, декломация асосида яхши ўқишиади, эшитган нарсасини хотирада сақлайди.

*Кинестетик (тери-мускул) қобилият* – ўқувчининг ўз ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштира олиш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилиб йўналтириши, вақтни, ҳаракат суратини ҳис қилиши.

*Мантиқий қобилият* – мулоҳаза юритиши, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни ҳал қилишга интилиши, сабаб ва оқибатларни тушуна олиши, воқеликда асосийни иккинчи даражалиқдан фарқлай билиши.

*Ўқувчининг ички қобилияти* – ўз-ўзини билиш, тушуниш ва ҳис қилиш қобилияти. Эркин шахсада қўрқув ва эркинлик туйғуси камдан-кам бўлади.

*Жамoa ва инсонлар билан муносабатга кириша олиши қобилияти* – ўқувчини ўз ўртоқлари, ота-оналари, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқатига кириша олиши ва бошқа фазилат сифатлари тушунилади.

Шунингдек, ўқувчиларни касбий фаолиятга йўналтиришда зарур бўладиган ўз ишига нисбатан масъулият сезиши, муаммоли топшириқни бажариш ва тегишли манба излаш буйича мустақил ишлай олиши каби қобилиятлар ҳам бўлади.

Шунингдек, ўқувчиларни меҳнатга ва ҳаётга тайёрлаш учун уларни касбий фаолиятга йўналтириш жараёни албатта ўқувчиларни ўқитадиган ўқитувчиларга жиддий боғлиқ бўлади, Жумладан, ўқувчиларни касбий фаолиятга йўналтиришда асосий ҳисобланадиган технология таълими ўқитувчисига ҳам боғлиқдир. Бунинг учун технология таълими ўқитувчиси педагогик ва психологик ҳамда касбий билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, ўқувчиларни касбий фаолиятга йўналтиришда технология таълими ўқитувчисидан маҳоратли бўлиши учун қуидаги қобилиятларга ҳам эга бўлиши керак:

-эмпатик қобилиятга эга бўлиши, яъни технология таълими ўқитувчисини ўқувчиларга бўлган меҳр муҳаббатдан келиб чиқадиган, уларнинг хис-туйғу синф, психологик ҳолатларини қалдан хис этиш, уларга ачиниш хусусиятларини ўзида жамлаши керак;

-дидактик қобилият, яъни ўқувчилар билан ўрганиш мулоқотини олиб борища, педагогиканинг таълим-тарбия қонуниятларини ҳамда услубларини чуқур ўзлаштирган ҳолда самарали дарс бериш ва дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдалана олишни уddeлаши керак;

-дарсни услубий жиҳатидан тўғри ташкил этиш ва амалга ошира олиши керак.

-таълим жараёнини муқобиллаштириш ўқитувчи ўз билимини ўқувчи онги ва тафаккурига кам куч сарфлаш эвазига етказа олиши, таълим-тарбияда белгиланган муддатда мақсадга эришиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бошқача айтганда, бир вақтнинг ўзида дарс мазмунини баён қилиш ва ўқувчилар фаолиятини кузатиб бориш қобилияти ва уни амалда қўллай билиши керак. Таълимнинг илмийлик тамойили ва дидактик характеристини нечоғлик амалга ошира билишлик, дарс мақсадини тўғри танлай билиш дарс сўнгидаги мақсадга эришганлик даражаси, тўғри ва тескари алоқани тўғри ва ўз ўрнида қўллай билишлик, танланган методларни ўз ўрнида ва самарали қўллай олиши лозим;

-ташкилотчилик-педагогик қобилиятнинг таркибий қисми ҳисобланган колектив ва гурух жамоасини турли жамоат ишларига, тўгаракларга жалб қила олиши қобилиятига эга бўлиши керак.

Шунингдек, технология таълими ўқитувчисини педагогик қобилият тизимиға кирувчи қуидаги ёрдамчи хусусиятлари бўлиши керак:

-акл-идрокнинг муайян турлари, камчиликларга танқидий эътибор бериш;

-нутқидаги оҳанг, тутилмай сўзлаш, хозиржавоблик, фикрларни тизимли ва изчил баён эта билишлик, танланган мисоллардан ўз ўрнида фойдаланиш, нотиқлик санъати, сўз бойлигининг равшанлиги ва теранлиги;

Ўқувчиларнинг танлаган касбларига қобилиятларини ривожлантириш учун ўқувчиларни касбга йўллаш дарслари орқали ўтказиладиган машғулотларда кузатиб бориш ва уларни кузатиб бориш учун дафтар юритилиб, унда барча ўтказилган касбга йўллаш тадбирларини қайд қилиб уларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш лозим. Шундай қилиб, ўқувчиларни меҳнатга ва ҳаётга тайёрлашда умуммажбурий фанларни ва технология таълими ўқитиши технологиясини такомиллаштириш керак бўлади. Бунинг учун ўқувчиларни умуминсоний шахсий фазилат сифатлари, уларни қобилият тизими ва унга кирувчи ёрдамчи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълим жараёнини илмий услубий асосда ташкил этиш, ўқувчилар фаоллигини таъминлаш, ўрганиш мулоқотини сифат ва самарадорлигини таъминлаш керак. Бунда таълим жараёнини замонавий ёндашувлар асосида ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилишга, ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашиниш, педагогик жараёnlарда вужудга келган муоммали вазиятларда таълим олувчилар фаоллигини таъминлаш ва ўзлаштириш фаолиятини мувофиқлаштиришга

қаратилган ҳолда олиб бориш керак бўлади. Шунингдек, ўқитувчилардан ўқувчилар фаоллигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдиндан аниқлаш асосида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ва кўнилмаларга эга бўлиши, амалий таълим жараёни субъектларини фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш бўйича зарурый билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлган касбий маҳоратли бўлишлари талаб қилинади.

Демак, ўқувчиларни меҳнат ва касбий фаолият ҳаётига тайёрлашни самарали амалга ошиши шахс муаммолари, оиласдаги аҳвол, ўқитувчининг маҳорати, атроф-мухит омиллар, ўқувчининг билим олишга тайёрлиги каби омиллар билан боғлиқ экан.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29-август.
- 2.Шарипов Ш.С. Ўқувчилар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришининг педагогик шароитлари. Дисс. пед. фан. номзоди. – Т. 2000. 69 б Б.65.
- 3.Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари. Методик қўлланма.- Тошкент: ЎзПФТИ, 2011.-180 б.
- 4.Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М.: 1995.
- 5.Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари. Ўқитувчи. Т., 1978 йил. 15 бет
- 6.Sharipov, S. (2020). КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 7.Sharipov, S. (2020). ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ: МЕТОДЛАРИ, МАЗМУНИ ВА ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 8.Sharipov, S. (2020). ТАЛАБАЛАР ИХТИРОЧИЛИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 9.Sharipov, S. (2020). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 10.Sharipov, S. (2020). ТРЕБОВАНИЯ К ФОРМИРОВАНИЮ ЛИЧНОСТИ СОВРЕМЕННОГО УЧИТЕЛЯ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 11.Sharipov, S. (2020). БИЛИМ ОЛИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ТРЕНАЖЕРЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 11.Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.
- 12.Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.
- 13.Orishev, J., & Оришева, З. (2021). "METROLOGIK O'LCHOVLAR" MAVZUSINI О'QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образования*, 2(2).
- 14.Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГИК МАСЬУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).
- 15.Xolmatov, R., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образования*, 1(1)
- 16.Orishev, J. (2020). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Физико-технологического образования*, 1(1)
- 17.Xolmatov, R., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образования*, 1(1)

- 18.Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОХЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙЛАБОРОТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛЛАРИ .*Научное знание современности*, (11), 26-29.
- 19.Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72
- 20.Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортикова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.
- 21.Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.
- 22.Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).
- 23.Orishev, J. (2020). Ёшларни касбга йўналтиришда шарқона қарашлар ва педагогик масалалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 24.Orishev, J. (2020). The use of information and communication technologies in the educational process. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 25.Orishev, J. (2020). Criteria for assessing practical work in higher education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 26.Orishev, J. (2020). The main stages of Project Education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 27.Orishev, J. (2020). Роль информационных технологий в подготовке будущих учителей технологического образования. *Архив Научных Публикаций JSPI*
- 28.Orishev, J. (2020). Project Education is a guarantee of educational effectiveness. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 29.Orishev, J. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўстиришга баъзи мулоҳазалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 30.Orishev, J. (2020). Ахборот технологиялари: таълим, касбий тайёргарлик ва сифат. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 31.Мамажонова, К. (2020). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДАГИ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 32.Мамажонова, К. (2020). Мехнат таълими ўқитувчисида миллий қадриятларга оид ўкув маҳоратларини шакллантириш асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 33.Мамажонова, К. (2020). KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH JARAYONIDA O'QUVCHILAR IJODKORLIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISHDA SEMINAR-TRENINGLARDAN FOYDALANISH. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 34.Мамажонова, К. (2020). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА КОРХОНАЛАР БИЛАН ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 35.Мамажонова, К., & Xolmatov, P. (2020). Kasb-hunarga yo'llash ishlarini tashkil qilishda darsdan tashqari mashgulotlar shakllari va mazmunini tanlashning tashkiliy-pedagogik mezonlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.